

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР ТЕХНИК ИЖОДИЁТ
МАРКАЗИ

**“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИ
ТҮГАРАКЛАРИДА ОЧИҚ МАШГУЛОТ ЎТИШ
ЮЗАСИДАН ҚЎЛЛАНМА**
(тўгарак раҳбарлари учун)

ТОШКЕНТ-2015 йил

Ушбу тавсия “Баркамол авлод” республика болалар техник ижодиёт маркази директори Х.Зокирова раҳбарлиги остида тайёрланди

Муаллиф: А.Шамсиева – “Баркамол авлод” республика болалар техник ижодиёт маркази услубчиси

Тақризчилар: С.Примкулова – “Баркамол авлод” республика болалар техник ижодиёт маркази гурух раҳбари

Нашрға тайёрлади: Г. Раҳимова – “Баркамол авлод” республика болалар техник ижодиёт маркази услубчиси

Ушбу тавсия 2015 йил 11 майда ўтказилган Услубий кенгашда қўриб чиқилди ва нашрға тавсия этилди.

4 - сонли баённома

“Баркамол авлод” болалар марказлари қошидаги түгаракларда очиқ машғулот үтиш юзасидан қўлланма

Ёшлари кўп бўлган мамлакат келажаги бор юрт ҳисобланади. Ўзбекистонимиз ана шундай мамлакатлар сирасига киради. Ёшларимизни бугунги қун талаблари даражасида янги авлод - баркамол авлод қилиб тарбиялаш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўқувчи-ёшларимизни бугунги фикрлаши, дунёга янгича назар билан қараси уларнинг ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам техникавий билимларга бўлган эҳтиёжи ўсганидан далолат беради. “Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсоннинг икки қанотидир”. Президентимиз И.А.Каримовнинг ушбу сўзлари мактабдан ташқари таълимнинг нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатиб турибди.

Бугунги қун ёшларида меҳнат қилиш кўнимасини ҳосил қилиш, уларни касб-хунарга йўналтириш, шу билан бирга уларда маънавий-аҳлоқий фазилатларни тарбиялаш каби масъулиятли вазифани амалга ошириш учун бевосита тўгараклар фаолиятини такомиллаштириш зарур.

Инсоннинг юзи унинг қалб кўзгуси бўлгани каби, тўгаракнинг қандай фаолият кўрсатаётганини тўлиқ очиб берувчи жараён - очиқ машғулотдир. Бунда тўгарак раҳбарининг ҳам педагогик, ҳам ташкилотчилик, психологик маҳорати яққол намоён бўлади.

Очиқ машғулот ўз номи билан “очиқ” жараён бўлгани боис, бундай машғулотга маҳсус тайёргарлик кўриш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилади:

1. Машғулотнинг қуйида кўрсатилган моддий-техник таъминотини амалга ошириш зарур.

- тўгарак фаолиятига оид дастгоҳлар ва бошқа техник мосламалар;
- аудиовизуал ўқитиш воситалари;
- видеоматериаллар;
- ўқув-методик адабиётлар;
- иш ва ўқув қуроллари;
- хом ашё.

2. Қуйидаги қоидаларга машғулот давомида риоя этиш тўгарак раҳбари томонидан таъминланади:

- санитария-гигиена қоидалари (хонанинг тозалиги, ёруғлиги, мебель жиҳозларининг тўғри жойлашуви, ўқувчиларнинг озодалиги ва ҳоказо);
- ёнғин хавфсизлиги қоидалари (ёритгичлар ва бошқа электр асбобларининг яроқлилиги);
- техника хавфсизлиги қоидалари (мехнат қуроллари ва хом ашёдан тўғри фойдаланиш ва ҳоказо).

3. Психологларнинг фикрича, эшитиш орқали (маъруза тарзида олинган маълумотнинг 1 ҳафтадан сўнг атиги 20 фоизи хотирада қолар экан. Ҳам эшитиш, ҳам кўриш орқали олинган маълумотнинг эса 50 фоизи хотирада сақланаркан. Демакки, кўргазмалиликка асосланиб ўтказилган машғулотнинг таъсири 2,5 баробар ортади. Бунинг учун тўгарак раҳбари суратлар, слайдлар, кўргазмали моделлар, видеоматериаллардан кенг фойдаланиши зарур.

4. Машғулот давомида мавзуни кенг, эсда қоларли даражада ёритища компьютер техникасининг аҳамияти катта. Дейлик, “Автомодел” тўгарагида “Енгил автомашина моделини ясаш” мавзусида машғулот ўтишни режалаштироқчимиз. Даставвал, компьютерда автомоделнинг умумий кўриниши, проекциядаги тасвири, ишчи чизмаси, модел деталлари ҳамда ясалиш технологияси босқичма-босқич ёритиб берилади. Сўнг ушбу маълумотлар асосида модел устида иш олиб борилади. Болаларнинг қизиқишиларини ошириш мақсадида “Бу нимадан ясалган” рукнидаги хужжатли фильмлардан лавҳалар намойиш этиш мумкин.

Очиқ машғулотни юқори савияда ўтказиш учун қуидаги таълим методларидан фойдаланишни тавсия этамиз:

1. Маълумот берувчи таълим методлари:

- оғзаки баён қилиш, тушунтириш, маъруза;
- демонстрация, иллюстрация;
- муаммоли ҳикоя, ўзаро сухбат.

2. Операцион таълим методлари:

- машқлар, лаборатория ва амалий ишлар;
- амалий тадқиқот ишлари.

3. Ижодий таълим методлари:

- адабиёт билан ишлаш;
- ишга алоқадор ўйинлар, инновацион ўйинлар;

- баҳс-мунозара, “шовқин гурухи”;
- ақлий хужум, ижодий диалог.

Қуйида очиқ машғулотнинг юқори савияда ўтишини таъминловчи инновацион технологиялардан мисоллар келтирамиз.

Ҳамкорликда ўқитишнинг «Биргаликда ўқиймиз» услуби

Ҳамкорликда ўқитишнинг «Биргаликда ўқиймиз» методи 1987йили Миннесот университети профессорлари Д.Жонсон, Р.Жонсонлар томонидан ишлаб чиқилган. Синф ўқувчилари 3-5 кишидан иборат кичик гурухларга ажратилади. Ҳар бир гурух дарсда бажарилиши лозим бўлган топшириқни маълум қисмини бажаради. Гурухлар топшириқларнинг тўлиқ бажарилиш натижасида ўқув материалининг яхлит ўзлаштирилишига эришилади. Мазкур методнинг асосий принциплари-командани тақдирлаш, ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, муваффақиятларга эришиш учун бир хил имкониятларни вужудга келтириш.

Ҳар ким ҳар кимга ўргатади

«Ҳар ким ҳар кимга ўргатади» услуби ўқувчиларга ўргатувчига айланиш, маълум билимларни ўзлаштиргач, ўртоқлари билан баҳам кўриш имконини берувчи ўқитиш услубидир. Бу услугнинг мақсади ўқувчиларга ўқитиш жараёнида зарур бўлган ахборот максимумини бериш, айни пайтда ўқувчида ахборот олиш ва беришга қизиқиш уйғотишdir. Шунингдек, ахборот ҳажмини олган ўқувчи маълум вақт давомида уни иложи борича кўпроқ ўртоқларига етказади.

Кўлланилиши:

- ўқувчиларда ахборот олиш ва беришга қизиқиш уйғотиш учун;
- ахборотни дикқат билан эшлиши ва эслаб қолиш учун;
- шеригининг ахборотини тинглаб бошқа шерик ахтариши учун.

Афзаллиги:

- ўз фикрини лўнда баён этиш;
- тинглаш ва эслаб қолиш даражасини ривожлантириш;
- фанга ёки мавзуга бўлган қизиқишини уйғотиш.

«Икки қисмли кундалик»

Икки қисмли кундалик педагогик услуг бўлиб, ёзма нутқни ривожлантиради. Бу услуг ўқиб чиқилган мавзу бўйича тушунчаларни шахсий тажриба билан боғлашга имкон беради.

Мақсад: ўрганилаётган мавзуга қизиқиш уйғотиш, ёзма нутқни ривожлантириш.

Амалга ошириш босқичлари:

1-босқич. Ўқувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган матн ўқиш учун таклиф этилади.

2-босқич. Ҳамма матн билан танишганига ишонч хосил қилиб, дафтарни верикал чизиқ билан иккига бўлиш сўралади.

3-босқич. Ўқувчиларга, дафтарни чап томонига муаллиф цитаталар (ғоялари, фикрлари)ни ёққанларини (ёки ёқмаганларини) ёзишлари айтилади.

4-босқич. Ўнг томонга ўқувчи мазкур цитатага берилган ўзини изоҳини ёзади, яъни ўқилган матн ҳақидаги тушунчасини умумлаштириб беради.

5-босқич. Топшириқни шу қисми тугагандан кейин ўқувчиларга (ўз хоҳишига кўра) биттадан цитаталарни ва уларга ёзилган изоҳни ўқиш таклиф этилади. Цитата ва уларнинг изоҳи ўқилаётганда савол бериш ёки мазкур цитатага ўз изоҳини беришга рухсат этилади.

6-босқич. Ўқувчилар шерик (учликлар ёки кичик гурӯхлар) бўлиб ҳам ишлашлари мумкин.

Венн диаграммаси

Венн диаграмма-график кўринишда бўлиб, олинган натижаларни умумлаштириб, улардан бир бутун хулоса чиқаришга, икки ва ундан ортиқ предметни (кўриниш, факт, тушунча) таҳлил қилиш ва ўрганишда қўлланилади. Диаграмма икки ва ундан ортиқ айланани кесишмасидан хосил бўлади.

Мақсад: икки ва ундан ортиқ предмет ва тушунчаларни таққослашда, турли ва умумий томонларини аниқлашда билим ва қўникумаларни шакллантириш.

Амалга ошириш босқичлари:


1-босқич. Ўқувчилар (шериклари билан) икки доирани тўлдирадилар, ҳар бир доирага икки тушунча (предмет)ни эътиборли томонлари санаб ўтилади.

2-босқич. Ўқувчиларни кичик гурұхларға (4-5 кишидан иборат) бирлаштириб, диаграммаларни таққослаймиз ва түлдирамиз.

З-босқич. Кичик гурух ўқувчилариға бу түшунчаларнинг (предмет, кўринишларнинг) умумий хоссаларини аниқлашни таклиф этамиз.

4-босқич. Бирон бир гурух вакили ҳар бир тушунчанинг ўзига хос томонларини ўқийди. Бошқалар зарурат бўлганда уни жавобини тўлдирадилар.

5-босқич. Бошқа гурух вакиллари икки тушунчани бирлаштирувчи (умумий) хусусиятларни ўқииди. Бошқалар зарурат пайдо бўлганда бу жавобларни тўлдирадилар.



Тўгарак раҳбари ақлий салоҳияти ҳамда ички имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда, очик машғулот учун таълим методларини танлаши керак. Очик машғулотнинг қизиқарли, замон талабига мос равишда ўтказилиши тўгарак раҳбарининг ўз ишини қанчалик пухта билиши, маҳорати ва ўз қасбининг хақиқий устаси эканлигига бевосита боғлиқ.

Моҳир педагог ўқувчиларнинг машғулотда фаол иштирок этишига; ҳар бир бола шахсига индивидуал ёндашиб иш юритишга эришади; ноанъанавий ўқитиш методларини ўзининг иш фаолиятига тадбиқ этишга ҳаракат қиласди.

Қўйида очик машғулот жараёнини амалга ошириш босқичлари намуна тарзида келтирилади. Машғулот ишланмасини тайёрлаш юзасидан берилган тавсияларга ҳар бир тўгарак раҳбари ижодий ёндашиши мақсадга мувофиқдир.

Очиқ машғулот ишланмасини тайёрлаш юзасидан тавсиялар

Машғулотнинг мақсади:

- таълимий мақсад: тўгарак аъзоларини баркамол шахс сифатида шакллантириш мақсадида касб-хунар сирларини ўргатиш, уларни тўгарак йўналиши тарихи билан таништириш, турли хил техник моделларнинг ясалиш технологиясини ўргатиш;
- тарбиявий мақсад: тўгарак аъзоларини эркин фикрлашга, меҳнатсеварликка, жамоа бўлиб ишлашга ўргатиш, маънавий-аҳлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик, экологик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, тадбиркорлик ссифатларини шакллантириб бориш;
- ривожлантирувчи мақсад: илмий-техникавий билимларга қизиқишлирини ошириш, ўқувчи-ёшларнинг ижодий қобилиятини янада ривожлантириш.

II. Машғулотнинг жихозлари:

- кўргазмали воситалар (иш қуроллари, суратлар, слайдлар, тарқатма карточкалар, ...);
- иш жихозлари (хом ашё).

III. Машғулот жараёнини амалга оширишдаги таълим методлари:

- оғзаки баён қилиш, таҳлил қилиш, ...;
- савол-жавоб, баҳс-мунозара, ...;
- амалий машғулот, гурухларда ишлаш, ...

IV. Инновацион таълим методлари:

- Кластер;

- “БББ”;
- “Венн диаграммаси”;
- “Қарорлар шажараси” ва ҳоказо

V. Очиқ машғулот жараёнини амалга ошириш босқичлари:

- ташкилий қисм - 5 дақика

Тұғарап раҳбари ўқувчилар билан саломлашиб, навбатчи ўқувчидан давоматни аниклайди. Сүнгра техник ижодкорлик соҳасига алоқадор янгиликлар билан тұғарап аъзоларини таништиради.

- уй вазифасини текшириш ва хатолар устида ишлаш - 15 дақика

Уй вазифасини текшириш жараёнида бола психологиясини ҳисобга олиш зарур. Даб-дурустдан “нотұғр ибажарилған” деган баҳо болага оғир ботиши мумкин. Шу боис, психологияда “бутерброд” усули деб аталувчи усулдан фойдаланиш мақсадға мувофиқ. Яғни, аввал ютуқлар санаб ўтилади, сүнгра йўл қўйлигандар камчиликлар исботи билан кўрсатилади ва уларни бартараф этиш йўллари ўргатилади.

- ўтилган мавзуни такрорлаш - 5 дақика

Ўтилган мавзуни такрорлашда инновацион усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан, “Кластер” усулида тұғарап аъзоларига ўқитувчи ролини бажариш таклиф этилади. Бунда тұғарап аъзоси ўзининг бор билим ва имкониятини ишга солиб, бу вазифага ижодий ёндашади. Проектор орқали намойиш этиладиган бирон-бир техник модел чизмаларини ва унинг ясалиш технологиясини босқичма-босқич изоҳлаб беради.

- янги мавзу баёни - 30 дақика

Янги мавзу баён этишни тұғарап раҳбари “БББ” усулидан бошлайди. Бу усул ёрдамида тұғарап раҳбари тұғарап аъзоларининг янги мавзуга оид бор билимларини, билмоқчи бўлган маълумотларини ва мавзу давомида ўзлаштирган билимларини аниклаб, таҳлили қилиш орқали кейинги навбатдаги машғулотда шу бўшлиқни тўлдиришга эришади.

Янги мавзуни ёритищдан аввал тұғарап раҳбари мавзуга оид иборалар, таянч сўзлар ва атамалар билан тұғарап аъзоларини таништиради. Ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида ёритилган мавзу болалар хотирасида мустаҳкам муҳрланади. Шу боис, тұғарап раҳбари ишчи чизмалар, умумий тасвиirlар ва моделнинг ясалиш технологиясини компьютер ёрдамида ёки проектор орқали намойиш этиб, тушунтириб боради.

- амалий машғулот

- 60 дақықа

Машғулотнинг назарий ва амалий қисмлари бевоссита боғлиқликда олиб бориладиган жараёндир. Назарий қисмда берилган билимлар амалий топшириқлар билан мустаҳкамланади. Тўгарак раҳбари ҳар бир изоҳдан сўнг моделнинг чизмада кўрсатилган қисмини мустақил ясашни топширади ва ҳар бир тўгарак аъзосининг бажараётган ишини мунтазам кузатиб боради. Йўл қўйилган хатолар тузатилиши лозим. Ўкувчи-ёшларнинг ўзлаштириш даражаси, фикрлаш доираси ҳар хил бўлгани учун, тўгарак раҳбари ҳар бир бола билан индивидуал иш олиб бориши кераклигини унутмаслиги керак. Амалий машғулот давомида гурух бўлиб ишлаш яхши натижа беради.

- ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш

- 10 дақықа

Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида бажарилган топшириқни тақдимот (презентация) қилиш усулидан фойдаланиш мумкин. Ҳар бир гуруҳдан вакил ўкувчи амалий вазифани қандай бажарганларини чизма ва модел ёрдамида ёритиб беради. Гуруҳнинг бошқа аъзолари мавзуга оид қўшимчалар қилишилари мумкин.

- уйга вазифа бериш

- 5 дақықа

Уй вазифаси синф тахтасига ёзиб қўйилиши ёки маҳсус кўргазмали ёзув (баннер ёки плакат) ёрдамида намойиш этилиши мумкин. Шунингдек, келаси машғулотда қандай мавзуда сұхбатлашишлари қисқача эълон қилинади.

- ўкувчилар билимларини баҳолаш

- 5 дақықа

Очиш машғулотда фаол иштирок этган тўгарак аъзолари рейтинг тизимида белгиланган асосда баҳоланади. Машғулот давомида танлов ёки мусобақа ташкил этилган бўлса, эсдалик совғаси тақдим этилиши мумкин. Сўнгра тўгарак раҳбари тўгарак аъзолари билан хайрлашиб, уларни кузатиб қўяди.

Очиқ машғулотга турли таълим муассасаларидан педагоглар таклиф этилади. Мехмонлар машғулот давомида тўгарак фаолияти билан танишар эканлар, шу билан бирга, тўгарак раҳбарининг ўзига хос иш тажрибасини ўрганадилар, ютуқ ва камчиликларни таҳлил этадилар. Демак, очиқ машғулот тўгарак раҳбарининг иш тажрибасини оммалаштиришда асосий восита ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Техникавий таълимни оммалаштириш. Тошкент – 2006.
2. Мактабдан ташқари таълим муассасаларида ижодий мухитни яратиш қўйикмаларини шакллантириш бўйича тавсиялар. Тошкент – 2008.
3. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг “Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талабларининг такомиллаштирилган лойиҳасини тажриба-синовдан ўтказиш ҳақида”ги 225-сонли буйруғи асосида тажриба-синовга қўйилган тўгаракларнинг дастурлар тўплами. Тошкент – 2008.

Электрон манбалар:

1. www.ziyonet.uz
2. www.kitob.uz
3. www.texnik_ijodiyot.uz
4. www.ebiblioteka.uz

6-7

4-9

2-11

12-1

10-3

8-5